

Қамбаров Жаҳонгир Ҳошимжонович,
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўлими бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАРҚАТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР

(маълумотларни тарқатишда мобил иловаларни жорий этиш)

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини кенг жамоатчиликка тарқатишда янги платформа сифатида мобил иловаларни жорий этиш масаласини ўрганиш натижалари, мобил иловаларнинг ривожланиш тарихи, ишлаш принциплари тўғрисида маълумотлар берилган, расмий статистика тизимида мобил иловаларни жорий этган хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган. Шунингдек, ушуб соҳадаги билим ва тажрибалар уларни тизимлаштириш учун йўналтирилган.

В статье изучается вопрос внедрения мобильных приложений в качестве новой платформы для распространения информации Государственного Комитета статистики Республики Узбекистан среди широкой общественности. Приведена информация об истории мобильных приложений, принципах их работы. Был рассмотрен опыт зарубежных стран, которые внедрили мобильные приложения в официальную систему статистики. Также фокусируется на структурировании знаний и опыта в этой области.

In article the question of introduction of mobile applications as the new platform for dissemination of information of the State committee of the Republic of Uzbekistan statistically in the general public is studied. Information on history of mobile application, the principles of its work is provided. Experience of foreign countries which implemented mobile applications in the official system of statistics was considered. Also it is focused on structuring knowledge and experience in this area.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим пойдевор бўлди. Мазкур стратегияда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, фаолиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш бўйича мақсадлар белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи ва тўртинчи йўналишларига бевосита дахлдор бўлган давлат статистика тизими фаолияти замонавий талаб ва халқаро стандартларга ҳали тўлиқ жавоб бермаслиги ва уни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги ПҚ–3165-сонли қарори қабул қилиниб, унда статистика тизими фаолиятидаги мавжуд камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича 2017 - 2021 йилларда Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тизимда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шунингдек, “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ–4273 сонли қарорига² мувофиқ мамлакатимизда статистика ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат статистика ҳисоботини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан изчиллик билан чоралар кўрилаётгани, интернетдаги йиғма маълумотларнинг миллий саҳифаси Халқаро валюта жамғармаси маълумотларини тарқатишнинг кенгайтирилган умумий тизими билан уйғунлаштирилаётгани қайд этилган.


Ҳозирги кундаги расмий статистик маълумотларни фойдаланувчиларга етказишнинг истиқболли йўналишлардан бири сифатида, маълумотларни тарқатишда мобил иловаларни жорий этиш орқали фойдаланувчиларнинг статистика маълумотларига бўлган талабини қондириш, интерактив давлат хизматлари қулайлиги, тезкорлиги, маълумотларни тарқатиш сарф-харажатларини камайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш мумкин.

Мобил илова нима? Мобил илова бу, персонал компьютер планшетлари ва смартфонларда ишловчи дастурий таъминот, ушбу дастурий таъминот ёрдамида фойдаланувчи интернетга онлайн уланган ҳолда маълум бир эҳтиёжини қондириб, маълумот олади, харид қилади ҳамда бирор бир хизматга буюртма беради. Бугунги кунда мобил иловаларнинг аҳамияти ошиб, улар ҳар бир инсон учун кундалик эҳтиёжининг ажралмас бир қисмига айланиб бормоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сонли қарори. (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 31, ст. 771; Национальная база данных законодательства, 11.12.2019 г., № 06/19/5892/4134).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрельдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4273-сонли қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2019 й., 07/19/4273/2914-сон).

Мобил иловалар тизими таҳлилини юритувчи Flurry Analytics ва comScore маълумотларига кўра, планшет ва смартфондан фойдаланувчилар девайслардан фойдаланиш вақтининг атиги 14 % (фойдаланувчилар)ини браузерлардан фойдаланишга, қолган 86 %и турли хил мобил иловалардан фойдаланишга сарфлар экан. Узнет интернет фойдаланувчиларининг операцион тизимлар бўйича тақсимланишига эътибор қаратсак ҳам андроид операцион тизими фойдаланувчилари 62,4 % кўрсаткич билан яққол устунлик қилмоқда, Windows OT нинг улуши 24 % ни ташкил этиб, мобил тизимларга нисбатан қарийб икки баробар кам фойдаланувчилар узнет интернетидан фойдаланишмоқда³ (1-расм).




1-расм. Узнет интернет фойдаланувчиларининг операцион тизимлари.

Фойдаланиш жиҳатига кўра, стационар ишчи компьютерларга нисбатан мобил қурилмаларнинг устунлиги ортиб бормоқда. Айниқса, бизнес ва технологиялар соҳасида, бугунги кунда мобил қурилмалардан фойдаланиш даражаси юқори.

Аксарият интернет фойдаланувчилари мобил қурилмалар ёрдамида интернетга киришни афзал кўришади - мобил кенг полосали уланишлар сони 2007 йилдаги 268 миллионга нисбатан 2018 йилда 5,3 миллиардга етди. Дунё бўйича ҳар 100 кишига тўғри келадиган ушбу турдаги алоқа улуши 2007 йилдаги 4 фоиздан 2018 йилда 69,3 фоизга етди ва ушбу кўрсаткич тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам бирон-бир хизмат турининг мобил қурилмаларда мавжудлиги ўша соҳа ривожланишида асосий омил бўлиши мумкин.

³<https://www.uz/>.

Android мобил операцион тизими илк бор интернет фойдаланувчилари орасида Windows дан оммабоплик борасида ўзиб кетди. Интернет трафик таҳлилини юритувчи Ирландиянинг Stat Counter веб-сайти маълумотларига кўра,⁴ мобил операцион тизим фойдаланувчилари 37,93 фоизни ташкил қилди. Ушбу даврда Windows операцион тизими фойдаланувчилари кўрсаткичи 37,91 фоизни ташкил этди (2-расм). Бу тафовут жуда катта бўлмасада, мобил платформаларга бўлган талаб ортиши билан компьютер платформаларига талаб пасайишини тасдиқлади. 2019 йилнинг ноябрь ойида Windows операцион тизими фойдаланувчилари 35,12 фоизни, Андроид операцион тизими фойдаланувчилари 40,28 фоизни ташкил этмоқда.



2-расм. Stat Counter веб-сайти маълумотлари

Расмий статистика маълумотларини мобил иловалар ёрдамида тарқатиш механизмини йўлга қўйган хорижий давлатлар тажрибаси эътиборни тортади, Литва 2016 йил “Lt statistics”⁵ деб номланувчи мобил иловани фойдаланувчиларга тақдим этди. Ушбу мобил иловада Литва ва унинг ҳудудлари асосий статистик кўрсаткичлари акс этган бўлиб, улар тушуниш ва фойдаланишга қулай маълумотлардир. Фойдаланувчилар ўзларининг мобил қурилмалари, мобил телефонлари ва планшетларида асосий миллий ва ҳудудий статистикани кузатишлари мумкин. Литва статистика департаменти томонидан тақдим этилган бепул мобил илова, миллий ва ҳудудий даражадаги асосий статистик маълумотларни ўз ичига олади: аҳоли, иш ҳақи, бандлик ва ишсизлик даражаси, ЯИМ, инфляция, тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқалар, жами 25 турдаги статистик кўрсаткичлар мавжуд. Иловада олдинги даврга нисбатан ҳар бир кўрсаткичнинг ўзгаришини кузатиш, ҳудудлар статистикасини бир-бири

⁴ <https://gs.statcounter.com/os-market-share#monthly-201203-201703>.

⁵ https://play.google.com/store/apps/details?id=lt.gov.stat.indicators&hl=en_US.

билан таққослаш мумкин, кўрсаткичлар ҳар куни соат 11 да янгиланади. Иловадан Андроид операцион тизими фойдаланувчилари фойдаланиши мумкин, маълумотлар литва ва инглиз тилларида мавжуд.

Сингапур ҳам 2014 йил ноябрь ойида “SingStat”⁶ деб номланувчи мобил иловани Google Playга жойлади. SingStat мобил иловаси Сингапурнинг энг муҳим расмий статистика маълумотларини iOS ва Android платформаларида ишловчи мобил қурилмаларга бепул юклаб олиш мумкин. Ушбу мобил илова орқали 28 турдаги маълумотларни қамраб олувчи, энг кўп сўралувчи 200 та статистик маълумотларни олиш мумкин. Янгиланган охириги маълумотлар мобил қурилма ишга тушиши билан автоматик янгиланади. Маълумотлар ҳар хил турдаги диаграммалар ва жадвал кўринишида тақдим этилади (маълумотлар даврийлиги ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик) Ушбу диаграмма ва жадваллар кўринишидаги маълумотларни ижтимоий тармоқларга юборишингиз ҳам мумкин. Кўрсаткичлар қамрови ва аниқлиги, шунингдек, индикаторларнинг чиқиш саналари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Мобил қурилмага ўрнатилган илова етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги тўғридан тўғри алоқа канали ҳисобланади. Бизнинг ҳолатимизда статистика маълумотидан фойдаланувчи ва давлат статистика тизими ўртасидаги муносабат назарда тутилмоқда. Замонавий мобил иловалар кўплаб вазифаларни бажаришга имкон берувчи кучли маркетинг воситасига айланмоқда. Хусусан, имиджни яратиш, брендни қўллаб-қувватлаш, миқдорнинг доимийлигини таъминлаш, алоқа жараёнларини оптималлаштириш, маълум бир ахборот маконини яратиш каби вазифаларни бажармоқда.

Давлат статистика тизимида жорий этиш таклиф этилаётган мобил илова ёрдамида асосий статистик кўрсаткичлар тўғрисида мунтазам маълумот олиш истагидаги давлат хизматчилари, бизнес вакиллари ва умуман, ижтимоий, иқтисодий жараёнларга бефарқ бўлмаган барча учун бошқарув қарорларини қабул қилишда замон талабига жавоб бера олувчи фойдали инновацион хизмат ва маҳсулот яратилиб, давлат статистикасининг имиджини тарғиб қилиш имконияти яратилади. МДХ давлатлари статистика хизматларида ҳали бундай мобил иловалар ишлаб чиқилганича йўқ. Агарда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси шундай мобил иловани ишлаб чиқиб, фойдаланувчиларга тақдим этса, соҳага инновация татбиқ этишда минтақада биринчилардан бўлади.

Умуман олганда, маълумотларни тарқатишнинг янги турдаги платформаси сифатида мобил иловалар жорий этилишида шундай хулоса чиқариш мумкин. Бугунги кунда мобил иловалар шакл-шубҳасиз маълумотларни тарқатишнинг энг истиқболли шаклларида бири сифатида ривожланмоқда. Токи смартфон ва планшетларнинг оммалашуви ортиб, янги

⁶ https://play.google.com/store/apps/details?id=sg.gov.singstat&hl=en_US

фойдаланувчилар эътиборини забт этиб борар экан, мобил иловаларнинг ҳам оммалашуви бор ҳақиқат.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни. –Т., 2002 йил 12 декабрь, 441–II-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ”Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3165-сонли қарори. (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 31, ст. 771; Национальная база данных законодательства, 11.12.2019г., №06/19/5892/4134).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ–4273-сонли қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2019 й., 07/19/4273/2914-сон)
4. <https://www.uz/>–Миллий қидирув тизими.
5. <https://gs.statcounter.com>–Интернет трафик таҳлилини юритувчи Ирландиянинг Stat Counter веб-сайт. <https://play.google.com>–Иловалар интернет дўкони.